

## **ИНТЕГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИНИ РИВОЖЛАЙТИРИШ - АРАБ МАҒРИБИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ БОШ ОМИЛИ**

Бугунги кунда Яқин Шарқ ва Шимолий Африка минтақасидаги вазиятга маълум даражада таъсир кўрсатаётган бир кагор омиллар мавжуд. Кейинги йилларда минтақадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-харбий вазиятлар ҳамда кучлар мувозанатининг анчайин ўзгаргани, улардаги ижтимоий тузим ҳам барқарор ҳолатга келмагани ва айти шу ҳолатлар уларнинг узаро ҳамкорлигига ва бирлашишига салбий таъсир кўрсатаётгани барчага маълумдир, аммо шу билан бирга, уларнинг кейинги аҳоли қай даражада кетиши ҳамон ноъмалумлигача қолмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов ўз нутқида “Минтақамизда ва бутун ва дунёда юзага келаётган мураккаб геосиёсий шароитда бизнинг зиммамизда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу муқаддас заминимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаётни саклаш каби бири-биридан масъулиятли ва кенг қўламли бир қатор вазифалар борки, юртимизнинг, жондан азиз фарзандларимизнинг бугунги ва эртанги куни шу масалаларни қанчалик муваффақият билан ҳал этишимизга боғлиқдир”, - дея алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар(1).

Шу билан бир қаторда барқарор ривожланишни таъминлайдиган ҳом ашё манбаларининг тобора қисқариб бориши турли ривожланган давлатлар ўртасида табиий ресурсларга бой ҳудудлар учун курашнинг авж олишига сабаб бўлмоқда.

Араб Мағриби минтақасида Шимолий Африка бўйлаб Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия ва Мавритания каби араб давлатлари жойлашган бўлиб, Араб Мағриби Иттифоқи ўзида жами 80 миллион аҳолини бирлаштиради. Асосий мақсади иқтисодий ривожланишга эришиш ҳамда умумий бозорни шакллантириш йўлидан бориш бўлган бу ташкилот дастлаб 1989 йилда мазкур минтақадаги бешта давлатнинг савдо блокини

яратиш йўлида имзолаган келишуви асосида вужудга келди.

Бугунги кунда Араб Мағрибидаги барқарор муҳитининг шаклланиши ва ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг йулга кўйилишига бир қатор ички ва ташқи омиллар ўз таъсирини ўтказаетганини кузатишимиз мумкин. Жумладан, минтақанинг етакчи давлатлари бўлган Марокаш ва Жазоир муносабатларидаги кескинлик, ҳамда унинг оқибатида келиб чиқаетган бекарорлик минтақавий хавфсизликни таъминлаш жараёнларига салбий таъсир қилмоқда.

Асрлар давомида тарихан бир давлат сифатида мавжуд бўлиб келган Мағрибнинг Европа мустамлакачилигидан кейин бир неча давлатларга, хусусан, Марокаш, Жазоир, Тунис, Ливия ва Мавритания каби давлатларга бўлиниб кетиши, мазкур минтақа ичида бир-бирига қарши бўлган кучларни вужудга келтирди(2). Жумладан, ўтган юз йилликнинг ўрталарида нисбатан кенг салоҳият - потенциалга Марокаш ва Жазоир ўртасидаги минтақавий ички кураш Араб Мағрибидаги кучлар қарама-қаршилигининг натижаси ўларок намоён бўлмоқда.

Жаҳон сиёсий майдонида юз бераётган сиёсий жараёнларни таҳлил қилишда кўзга ташланадиган асосий ҳолатлардан бири - бу бирор-бир минтақада содир бўладиган ўзгаришларнинг етакчи сиёсий кучлар рақобатининг кучли таъсирига учрашидир. Араб дунёсида рўй бераётган ўзгаришлар, шу жумладан, Араб Мағрибидаги сиёсий жараёнлар ривожидида ҳам жаҳондаги етакчи сиёсий кучлар рақобати ҳал қилувчи рол ўйнашини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Энг биринчи навбатда, Европа Иттифоқи билан бевосита чегарадош бўлган Араб Мағриби минтақасидаги тинчлик ва барқарорлик Европа Иттифоқининг хавфсизлигини таъминлаш асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Европа Иттифоқи томонидан минтақага нисбатан юритилаётган сиёсатда хавфсизлик борасидаги - терроризмга қарши курашиш ва минтақавий барқарорликини таъминлаш каби масалалар устувор аҳамият касб этади. Европа Иттифоқи томонидан Араб

Мағрибига нисбатан юритиладиган хар кандай сиёсат шу максадларни қўллаб-қувватлаш ғояси асосида амалга оширилади(3). Араб Мағриби минтақасида юзага келиши мумкин бўлган хар кандай кўринишдаги беқарорлик Европа Иттифоқи доирасидаги муваффақиятли интеграциялашув жараёнларини хавф остига кўйиши мумкин бўлган энг асосий ташқи омиллардан биридир.

Муайян муддат давомида янгиланиб турадиган миллий стратегиялар асосида ташқи сиёсий фаолиятини амалга оширадиган АҚШ эса, Араб Мағриби минтақасида Европа Иттифоқи таъсирининг кучайиб кетиши ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мустахкамланиб бориши, ўзининг минтақага нисбатан юритаётган хар томонлама манфаатли сиёсатига таҳдид солишини хисобга олган холда, мувозанатни сақлашга ҳаракат қилиб келмоқда. Маълумки, Араб дунёсида Араб Мағриби Европа Иттифоқи билан яқин муносабатларга киришгани холда, Араб Машриғи АҚШ билан кучли муносабатлар ўрнатган минтақалардан саналади(4). Араб Мағрибидаги вазиятнинг бундай кўринишда сақланиб туриши, яъни минтақа доирасидаги сиёсий, худудий, иқтисодий на хавфсизлик муаммоларининг ечим топмаслиги узок йиллар давомида шаклланган бу мувозанатнинг бузилишига олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Араб Мағрибидаги умумий вазиятни таҳлил қилишда, минтақа давлатларидаги умумий сиёсий - иқтисодий аҳволни кўздан кечириш зарурати пайдо бўлади. Мазкур минтақада сезиларли ўринга эга бўлган Жазоир иқтисодиёти бугунги кунда ҳам нефть ва табиий газ экспортига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Жазоирнинг ўзида нефть ва табиий газни қайта ишлайдиган, уларни тайёр маҳсулот ҳолатига келтириб четта экспорт қилишнинг хали ҳам шаклланмаганлиги уни Европа Иттифоқининг хом ашё “базаларидан бирига” айлантирган. Марокаш иқтисодиёти эса қишлоқ хўжалиги билан боғиқ холда ривожланиш йулидан бормоқда. Ўз иқтисодиётини модернизация қилиш ва ривожлангаи давлатлар стандартларига мос ишлаб чиқаришни йўлга кўйишда Марокаш ҳам

жиддий қийинчиликларга дуч келмоқда. Араб Мағрибида сезиларли даражадаги юқори салохиятга эга бўлган Тунис иқтисодиётида эса туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаси катта ўрин тутди(5).

Бугунги кунда Европа Иттифоқи минтақанинг энг асосий иқтисодий ҳамкори бўлиб келмоқда. Араб Мағриби давлатлари умумий ташқи савдо айланмасиинг 2/3 қисми айнан Европа Иттифоқи давлатлари хиссасига тўғри келади. Испания, Португалия, Франция, Мальта, Италия, Юнонистон ва Кипр давлатларининг Шимолий Африкада жойлашган Араб Мағриби давлатлари билан фаол ҳамкорликка киришиши минтақанинг Европа Иттифоқи билан алоқаларининг мустахкамланишини таъминламоқда. Жахон сиёсий майдонида юз бераётган ўзгаришлар, давлатларнинг бир-бири билан сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларга киришиши жараёнларини тахлил қиладиган бўлсак, Араб Мағриби бу борада энг ишончли ва барқарор ҳамкорлардан бирига эга.

БМТ хисоботларига кўра минтақа бундай интеграцион жараёнлар ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка жалб қилинишига қарамасдан, “Араб Мағриби тинчлик ва хавфсизлик тўлиқ қарор топмаган ҳудудлардан бири” бўлиб келмоқда. Минтақада бундай вазиятнинг сақланиб қолаётгани давлатлараро ўзаро ишончнинг етишмаслиги ва жахон ҳамжамияти томонидаи вазиятни ўнглашга жиддий амалий кўмак кўрсатилмаётгани билан изоҳланади. Араб Мағрибидаги интеграцион жараёнларни қайта жонлантириш янгича ёндашувни талаб қилади. Шунингдек, Араб Мағрибидаги минтақавий интеграциялашув жараёнлариинг қайтадан бошланиши ва унинг муваффақиятли давом этиш учун зарур булган асосий жихатларни куйдагича таснифлаш мумкин(6).

Биринчидан, минтақа доирасидаги давлатлараро муносабатларнинг фаол ривожлантирилиши, доимий равишда янги-янги ташаббуслар билан чиқшини шакллантириш, яъни ички фаолликни вужудга келтириш лозим; Иккинчидан, Европа Иттифоқининг Ўрта ер денгизи бўйида жойлашган давлат лари томонидан Араб Мағриби давлатларининг хар томонлама

кўллаб-кувватланишига эришиш, минтақалараро ҳамкорликни жонлантириш;

Учинчидан, АҚШнинг кучли ва мақсадли сиёсий кўллаб-кувватлашига эришиш. Бу, энг аввало, АҚШнинг замонавий босқичда асосий етакчи - гегемон давлат эканлиги билан боғлиқ.

Араб Мағриби минтақаси давлатлари ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини жонлантириш йулида амалиётга татбиқ қилиниши мумкин бўлган бундай ташаббус ва ғоялар ҳар учала томон - Араб Мағриби, Европа Иттифоқи ва АҚШ учун ҳам манфаатли ҳисобланади. Европа Иттифоқи учун жанубий ҳудудларида ўзи билан бир хил стандартларда янги бир эркин савдо муҳитининг шаклланиши айтиш мумкин бўлади. Араб Мағриби минтақасида эркин савдонинг шаклланиши, ўз навбатида, АҚШ томонида илгари сурилаётган демократик стандартларнинг татбиқ этилиши билан амалга ошади.

Глобализация шароитларида умумий вазиятни чуқур англаб етган мутахассислар томонидан Араб Мағрибидаги сиёсий қарама-қаршилиқларни бартараф қилишда ва мавжуд муаммоларга ечим топишда, Европада Иккинчи жаҳон урушидан кейин қўлланган "Моннет усули"ни амалиётга қўллаш ғоялари ўртага ташланмоқда. Бу усул кўзланган мақсад сари шошилмасдан, кичкина силжишлар орқали етиб боришни назарда тутди. Минтақа доирасида босқичма-босқич ички чегараларнинг очилиши, ўзаро фаол муносабатларга киришиш, ҳар бир томон учун тенг манфаатли бўлган лойиҳаларни жорий қилиш, мавжуд инфратузилмани такомиллаштириш каби тадбирлар мазкур усулнинг мазмун-моҳиятини ўзида акс этиради. Шу йусинда аста-секинлик билан ривожланиш йулидан бориш ҳақиқий тараккиётни таъминлайдиган омиллардан бири бўлиб хизмат қилиши эҳтимолдан холи эмас.

---

1. Мамлакатимизни модернизация килиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш - устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонучилиқ палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи. 29 январь 2010 йил,
2. Муҳаммадсидиков М.М. Шимоли-Шарқий Африкадаги вазиятлар Қўрғаз давлатлари хавфсизлигига таъсир қилмоқда// Маърифат, 2008. 12 июль. - № 55. (8080) - Б. 12.
3. "Western Sahara: Lack of donor funds threatens humanitarian projects". IRIN Africa. September 5, 2007.
4. Aggad Faten, "The Arab Maghreb Union: Will the Haemorrhage Lead to Demise?" African Insight. April 6, 2004. [http://www.un.org/esa/population/publications/wpp2008\\_text\\_tables.pdf](http://www.un.org/esa/population/publications/wpp2008_text_tables.pdf).
5. Hackett, James (ed.) (5 February 2008). The Military Balance 2008. International Institute for Strategic Studies. Europa. [http://www.zawya.com-/printstory.cfm?storyid=v51n20-ITS05&\]=!34200080519](http://www.zawya.com-/printstory.cfm?storyid=v51n20-ITS05&]=!34200080519)
6. Department of Economic and Social Affairs Population Division (2009) (.PDF). World Population Prospects, 2008 revision. United Nations.